

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ**  
**ИНСТИТУТИ**

**МАДЖИДОВА ДИЛДОРА АБДУХАМИДОВНА**

**ТАБАҚАЛАШГАН ЁНДАШУВ АСОСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ**  
**ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ОИЛА ШАРОИТИГА**  
**РЕИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Маджидова Дилдора Абдухамидовна**

Табақалашган ёндашув асосида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясининг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштириш..... 3

**Маджидова Дилдора Абдухамидовна**

Совершенствование социально-педагогической системы реинтеграции воспитанников домов «Меҳрибонлик» в семью на основе дифференцированного подхода.....23

**Madjidova Dildora Abduxamidovna**

Improving the social and pedagogical system of reintegration of pupils of “Mehribonlik” houses into a family on the basis of a differentiated approach.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ**  
**ИНСТИТУТИ**

**МАДЖИДОВА ДИЛДОРА АБДУХАМИДОВНА**

**ТАБАҚАЛАШГАН ЁНДАШУВ АСОСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ**  
**ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ОИЛА ШАРОИТИГА**  
**РЕИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Ped710 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.chdpi.uz.ilmiy-kengash](http://www.chdpi.uz.ilmiy-kengash)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Нурманов Абдиназар Ташбаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:** **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (+99870) 712-27-55; факс: (+99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi\\_kengash@umail.uz](mailto:chdpi_kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: 712-27-55; факс: (+99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.Қ.Мардонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.Т.Ражабов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Р.А.Эшчанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган давлатларида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш, боланинг оилада тарбияланиши учун унинг қондош оиласини қўллаб-қувватлаш ёки жойлаштиришнинг муқобил шакллари ривожлантириш, етим болалар учун катта гуруҳли муассасалардан воз кечиш ва болаларга табиий, оилавий муҳитда тарбияланиш имконини таъминлаш йўлга қўйилган. Тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга мослаштириш жараёнини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, оилавий ҳаётга мослашиш кўникмаларини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш заруриятига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида етим болаларни табиий, оилавий муҳитда тарбиялаш, кичик ёшдаги болаларни интернат типигаги муассасаларга жойлаштирамаслик, институционаллашувнинг тарбияланувчи учун салбий оқибатларини аниқлаштириш бўйича назарий илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Болаларни давлат интернат типигаги муассасаларидан қондош оиласига қайтариш ёки тутинган оилага жойлаштириш, шунингдек, тарбияланувчиларни оилавий ҳаётга мослаштириш, ота-она ва бола муносабатлари, қариндошлик алоқаларини тиклашни тақозо этмоқда. Болада оиланинг ижобий образини тарбиялаш, тарбияланувчиларни оила шароитига реинтеграциялаш технологиясини такомиллаштириш алоҳида долзарбликка эга.

Республикамиздаги меҳрибонлик уйларида тарбияланувчиларнинг саломатлигини таъминлаш, мустақил ҳаётга ижтимоий мослаштириш, уларнинг сифатли таълим ва тарбия олишлари учун уй шароитига яқинлаштирилган муҳитни яратиш, шунингдек уларни ижтимоий, психологик, педагогик ва жисмоний ривожланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”<sup>1</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Натижада тарбия муассасаларида болаларни миллий анъаналар ва умуминсоний қадриятлар асосида ақлий, эмоционал ва жисмоний тарбиялаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, уларга касб танлаши учун шарт-шароитлар яратишни таъминлашга тўлиқ имкониятлар яратилмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.37.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шаклларини танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш масалалари Ў.М.Асқарова, Э.А.Аъзамхўжаева, Г.А.Кошанова, Ф.Рўзиқулов, Э.Тўхтамуродов, И.О.Хайдаров, Я.Е.Чичерина, Н.М.Эгамбердиева, Г.Р.Юсупова ва бошқа педагог, психолог олимларнинг тадқиқот ишларида берилган. Жумладан, оиланинг иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, психологик, педагогик муаммолари М.Г.Давлетшин, М.У.Иномова, А.Т.Кадирова, В.М.Каримова, Р.А.Мавлонова, О.М.Мусурмонова, Т.К.Нарбаева, Ғ.Б.Шоумаров ва бошқа оилашунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Боланинг ривожланиш даврида уни институционал муассасаларда тарбиялаш борасидаги тадқиқотлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари Ю.А.Володина, Л.Д.Гулина, Т.Л.Дьяконова, Н.П.Иванова, В.С.Мухина, Л.Я.Олиференко, Н.А.Пантелеева, А.М.Прихожан, Е.Н.Риндина, Н.Н.Толстих, Н.М.Шагимуратова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хориж олимларидан Ж. Боулби (J.Bowlby), Э.Бильсон (E.Bilson), Р.Баркер (R.Barker), Й.Лангмейер (J.Laugmeier), З.Матейчик (Z.Matejcek), А.Синклер (A.Sinkler), К.Уайт (White K.) томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлиш ва институционал муассасаларнинг боланинг ривожланишига таъсири таҳлил этилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги:** диссертация иши Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази илмий тадқиқот ишлари режасининг А-1-016 – “Меҳрибонлик уйлари ҳамда болалар шаҳарчалари базасида тарбияланувчиларни оилага жойлаштириш бўйича хизмат моделини яратиш” номли амалий (2012-

2014), А-1-031 – “Ўзбекистонда эрта ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини модернизациялашнинг илмий-услубий асослари” номли амалий (2015-2017) тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** табақалашган ёндашув асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясининг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

“меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграцияси” тушунчасининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш орқали унинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясининг педагогик моделини такомиллаштириш;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциялаш ижтимоий-педагогик технологиясини такомиллаштириш;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳри 21, 23, 24, 30, 31-сон, Тошкент вилояти Бўка шаҳри 15-сон, Самарқанд вилояти 6, 9, 10, 11-сон Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини табақалашган ёндашув асосида оила шароитига реинтеграциялаш жараёни белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** табақалашган ёндашув асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясининг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод, воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кузатиш, анкета сўрови, тарбияланувчи хужжатларини ўрганиш, умумлаштириш, тарбияланувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, педагогик прогностика, психодиагностик методикалар, педагогик ташхислаш, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциялашнинг ижтимоий-педагогик шартлари воситасида болаларда оилавий ҳаёт ҳақидаги ижобий позицияни қарор топтириш, уларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий онгини ривожлантириш жараёнларини шахсий қадриятлар тузилмаси билан интеграцияси асосида аниқлаштирилган;

тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳолати, индивидуал хусусиятлари, шахсий йўналганлигини оила шароитига мослаштириш моделининг дезадаптация сабаблари ва кўринишларини аниқлаштириш, диагностик ва коррекцион кўрсаткичлар эксперт матричасини қўллаш орқали такомиллаштирилган;

боланинг қондош оила билан муносабатларини қайта тиклаш, шахслараро муносабатлар тизимини қарор топтириш, меҳр-оқибат компетенциясини шакллантириш асосида тарбияланувчиларни оила шароитига реинтеграциялаш технологияси такомиллаштирилган;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясини таъминлаш учун диагностик, коррекцион, реабилитацион фаолиятни ижтимоий муносабатлар билан интеграциялаш, шунингдек оилаларнинг тарбиявий имкониятларини ошириш ҳамда болаларни ижтимоий мослаштиришнинг индивидуал дастурларини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциялаш жараёнининг такомиллаштирилган педагогик модели жорий этилган;

тадқиқотга оид таърифлар (Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграцияси, кам таъминланган оила, педагогик саводхонлиги етарлича шаклланмаган оила, танглик вазиятидаги оила) муаллифлик ғоялари асосида такомиллаштирилган;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграциялаш жараёнининг самарадорлигини оширишга доир тамойил, метод ва шарт-шароитлар, илмий методик тавсиялар таклиф этилган;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграциялашга доир табақалашган коррекцион дастурлар, шунингдек педагог ходимлар ва оналар учун “Табақалашган ёндашув асосида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциялаш технологияси” номли методик қўлланма яратилиб, амалиётга татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табақалашган ёндашув асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграциясининг муайян ижтимоий-педагогик тизими, жараён модели, ушбу моделнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий педагогика курси, оила педагогикаси, тарбиявий ишлар назарияси ва методикаси курслари мазмунини бойитишда, ота-оналар, меҳрибонлик уйлари педагог ҳамда психологлари иш тажрибасини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Табақалашган ёндашув асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграцияси натижалари асосида:

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциялашнинг ижтимоий-педагогик шартлари, болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий онгини ривожлантириш жараёнларини шахсий қадриятлар тузилмаси билан интеграциясини таъминлашга доир таклифларидан Ўзбекис-



тон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қармоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сон қарори ижросини таъминлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 23 октябрдаги 06-06/2-3014-сон маълумотномаси). Натижада меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциялашнинг ижтимоий-педагогик механизмларини амалга ошириш самарадорлигига эришилган;

тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳолати, индивидуал хусусиятлари, шахсий йўналганлигининг тизимли таҳлили, оила шароитига мослаштириш модели ва технологиясини такомиллаштиришга доир таклифлардан Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида 2012-2014 йилларда амалга оширилган А-1-016 –“Меҳрибонлик уйлари ҳамда болалар шаҳарчалари базасида тарбияланувчиларни оилага жойлаштириш бўйича хизмат моделини яратиш” номли, 2015-2017 йилларда амалга оширилган А-1-031 – “Ўзбекистонда эрта ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини модернизациялашнинг илмий-услубий асослари” номли амалий тадқиқот лойиҳаларида фойдаланилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2018 йил 20 июлдаги 03/342-сон маълумотномаси). Натижада меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциялаш бўйича ҳамкорлик педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган;

меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясини таъминлаш учун диагностик, коррекцион, реабилитацион фаолиятни ижтимоий муносабатлар билан интеграциялаш, шунингдек оилаларнинг тарбиявий имкониятларини ошириш ҳамда болаларни ижтимоий мослаштиришнинг индивидуал дастурларини такомиллаштиришга доир тавсиялар меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, ижтимоий иш ходими, психологи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, бош тарбиячиси фаолиятини самарали ташкил этишга муайян даражада хизмат қилган (Республика таълим марказининг 2018 йил 17 августдаги 01/11-1/15-1475-сонли маълумотномаси, Самарқанд вилояти халқ таълим бошқармасининг 2018 йил 3 декабрдаги 3760-сонли маълумотномаси). Натижада меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, ижтимоий иш ходими, психологи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 18 та республика ва 11 та халқаро форум ҳамда илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 63 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Асосий мазмун 145 бетда ёритилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот учун танланган муаммонинг долзарблиги илмий-амалий жиҳатдан асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари дастури билан боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети белгиланган, қўлланилган методлар, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар ўз аксини топган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясининг ижтимоий-методологик асослари**» деб номланиб, унда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграцияси муҳим педагогик муаммо сифатида асосланади ҳамда ушбу жараённинг амалиётдаги ҳолати ва муаммонинг ечимига қаратилган хориж тажрибаси илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тарихий, фалсафий, педагогик, тиббий, психологик қарашлар ва ғояларнинг таҳлили боланинг қондош оиласидан узоқ вақт ажралиши унинг ақлий, жисмоний, эмоционал ривожланишдан ортда қолиши ҳамда соғлиғига жиддий салбий таъсир кўрсатиши, характер хусусиятида тажовузкорлик, хавотирланиш, ўзига ишончнинг пасайиши, кайфиятнинг ўзгарувчанлиги каби белгиларнинг намоён бўлишига олиб келишини кўрсатди.

“Оила”, “кам таъминланган оила”, “педагогик саводхонлиги етарли даражада шаклланмаган оила”, “танглик вазиятидаги оила”, “Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграцияси” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш муаммонинг назарий-методологик ечимини топишга асос бўлди.

Социология луғатида *реинтеграция* – лотинчадан, тиклаш, яхлитликка эришиш деган маъноларни англатиб, йўқотилган ижтимоий алоқалар ўрнини тўлдириш, эмоционал ҳолатнинг маъқул даражасига эришишни кўзда тутувчи, инсонни ижтимоий ҳаётнинг фаол ва мустақил аъзоси ролида жамиятга қайтариш жараёни деб талқин этилади.

Болаларни ҳимоялаш соҳасидаги хорижий мутахассислар томонидан болани оила шароитига реинтеграциясининг мазмун-моҳияти қуйидагича таърифланади: “ўз оиласидан маҳрум бўлган болани ҳимоялаш ва ғамхўрлик қилиш, муайян оилага мансублик ҳиссини ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларидаги

мақсадларга эришиш учун қайтадан оилага ва у келиб чиққан ҳамжамиятга қайтариш”. Реинтеграция ўзаро ижтимоий алоқалар асосида содир бўлади, шунинг учун маълум ижтимоий муҳитдаги ўзаро муносабатлар мазмунини ушбу тушунчанинг асоси сифатида қабул қилиш мумкин.

Ю.А. Володина томонидан *етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий-психологик реинтеграцияси* – уларнинг ижтимоий-маданий муҳитга кириши, хулқ-атвор меъёрлари, кадриятлари ва мослашув усулларини эгаллашлари, инновацион таълим технологиялари ва психологик-педагогик кўмаклашиш воситалари билан уларни жамиятдаги мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёнини ақс эттиради, деб таърифланган.

Тадқиқот муаммосини назарий ўрганиш ва таҳлил этиш асосида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг оилага реинтеграциясига муаллифлик таърифи берилган.

*Меҳрибонлик уйи тарбияланувчисини оила шароитига реинтеграцияси – тарбияланувчини оила шароитига қайтаришга ижобий мотивациясини шакллантириш, унда оиланинг ижобий образини тарбиялаш, ота-она ва бола муносабатларини тиклаш, тарбияланувчининг оиласини қайта бирлаштиришни таъминлаш қилишга йўналтирилган яхлит педагогик жараёндир.*

Тарбияланувчини оилага фақатгина расмий қайтариш доирасидан чиққан ҳолда, бола ва унинг оиласи ўртасидаги узоқ муддатли боғланиш ҳамда қўллаб-қувватлаш жараёнини педагогик режалаштириш ва лойиҳалаш сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Реинтеграциянинг қулай шароитларини яратиш ва таъминлаш тарбияланувчининг келажакда тўлақонли ва муваффақиятли ижтимоийлашуви учун имкониятлар яратади.

Меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, педагогик, психологик адабиётларни таҳлил қилиш, ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқарувчи турли сабабларни ўрганиш асосида оилалар тоифалари ажратиб олинди.

*Кам таъминланган оила* – фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган, лекин ота-онанинг жисмоний ёки руҳий носоғломлиги туфайли оиладаги моддий етишмовчилик, даромадларнинг доимий эмаслиги, яшаш шароитлари яхши бўлмаган нотўлиқ ёки кўп болали оилалар, имконияти чекланган фарзанди бўлган оилалар.

*Педагогик саводхонлиги етарлича шакланмаган оила* – оилада эр-хотин, ота-она ва болаларнинг деструктив муносабатлари, вояга етмаган фарзандининг эҳтиёжларини қондириш, таълим-тарбияси билан боғлиқ мажбуриятларини бажармаётган ҳамда болага салбий таъсир кўрсатаётган ёки уни қаровсиз қолдираётган оилалар.

*Танглик вазиятидаги оила* – ота-она вояга етмаган фарзандини тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларини бажармаётган, ота-оналик ҳуқуқларидан ўз манфаатлари учун фойдаланаётган, болаларга шафқатсиз муносабатда бўлаётган, ичкилик ва гиёҳвандликка берилган оилалар.

АҚШ, Европа ва МДХ мамлакатларининг мазкур соҳадаги тажрибаларини таҳлил қилиш ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва уларнинг

оилаларини қўллаб-қувватлашда мутахассисларнинг ҳамкорликдаги фаолияти муваффақиятли реинтеграциянинг гарови эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистонда болага оила муҳотида тарбия бериш энг мақбул йўл ҳисобланади. Ҳар бир боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг маълумотларига кўра, Меҳрибонлик уйидаги тарбияланувчиларнинг 20 фоизи чин етим болалар бўлиб, 80 фоизга яқин болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёки кам таъминланган оила фарзанди<sup>2</sup> ҳисобланадилар.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Табақалашган ёндашув асосида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясининг ижтимоий-педагогик имкониятлари”** деб номланиб, унда тадқиқот муаммосини ечимига қаратилган жараён мазмуни, технологиялари, педагогик имкониятлари ёритилган. Меҳрибонлик уйида оилавий муносабатларга хос бўлган психологик, ижтимоий муҳитни яратиш ҳамда тарбияланувчида унинг оиладаги ўз ўрни юзасидан тўғри ва ижобий тасаввурни шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Табақалашган ёндашув асосида оила ва болалар билан иш олиб бориш шахсий йўналганлик, интегративлик, яхлит ёндашув, инсоннинг мавжуд имкониятларини фаоллаштириш, ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш тамойиллари асосида ташкил этилади.

Тадқиқот жараёни шахсга йўналтирилган педагогик ғоялар ҳамда инсонпарварлик психологияси асосида болада оиланинг ижобий образини тарбиялашга ва унинг ижтимоий мослашишини таъминлашга йўналтирилди.


Тарбияланувчиларни оилага реинтеграцияси жараёни муваффақиятли бўлишини таъминловчи қуйидаги *ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар* аниқланди:

1. Меҳрибонлик уйлари ходимлари касбий компетентлигини ошириш.
2. Меҳрибонлик уйида оилавий шароитларга яқин шароитларни яратиш.
3. Тарбияланувчи билан психологик, педагогик реабилитацион фаолият олиб бориш.
4. Тарбияланувчининг оиласи билан ижтимоий, психологик, педагогик, ташкилий-методик фаолиятни ташкил этиш.
5. Меҳрибонлик уйи маъмурияти томонидан мазкур жараённи бошқариш ва мониторингини олиб бориш тизимини такомиллаштириш.

Табақалашган ёндашув асосида тарбияланувчинини оила шароитига реинтеграциясини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди ва жорий этилди (1-расм).

---

<sup>2</sup> Халқ таълими вазирлигининг 2014-2015 ўқув йили асосий кўрсаткичлари. – Т.: “Шарқ” НМАК. 2014 йил. 95-б.



**1-расм. Табақалашган ёндашув асосида тарбияланувчиларни оилага реинтеграциясини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараён модели**

Меҳрибонлик уйи педагогик жамоасининг тарбияланувчини оилага реинтеграциясини амалга ошириш жараёни бўйича тўққизта босқични ўз ичига олган ижтимоий-педагогик технологияси ишлаб чиқилди (1-жадвал).

**Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини оила шароитига  
реинтеграция қилишнинг ижтимоий-педагогик технологияси**

Т/ р	Босқичлар	Амалга ошириладиган ишлар мазмуни ва моҳияти
1.	Тарбияланувчининг оилага реинтеграцияси имкониятларини ўрганиш	Боланинг ота-онаси ва яқин қариндошлари тўғрисида маълумотлар тўплаш; тарбияланувчининг шахсий ҳужжатларини ўрганиш; васийлик ва ҳомийлик органларидан маълумот йиғиш; мактаб ўқитувчилари, болалар муассасаси тарбиячилари, маҳалла фаоллари, кўшнилари билан суҳбатлашиш; ота-онанинг иш жойини аниқлаш.
2.	Тарбияланувчининг оилага реинтеграциялашда бола ва оиланинг тайёрлигини баҳолаш ва текшириш	Тарбияланувчининг ота-онаси билан алоқаларга тайёрлиги ва истагини баҳолаш; боланинг мотивациясини ўрганиш учун психологик ва педагогик тест синовини амалга ошириш; Меҳрибонлик уйи ижтимоий иш ходимининг тарбияланувчининг ота-онаси яшаш жойига бориши; Меҳрибонлик уйи ИППК хизмати ота-оналар билан суҳбатлашиши, фарзандини муассасага жойлаштириш сабабларини ўрганиш, истаклари ва оилани тиклаш имкониятини аниқлаш; ота-оналарнинг оилани тиклаш ва болани Меҳрибонлик уйидан қайтариб олишга бўлган мотивацияларини ўрганиш бўйича психологик ва педагогик тест синовларини ўтказиш; ота-она ва боланинг истаклари, шахсий сифатлари, маънавий қадриятлари даражасини ўрганиш; комплекс баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш ва умумий ҳулосага келиш.
3.	Қариндошлик алоқалари, ота-она – бола муносабатларини тиклаш ва мустаҳкамлаш	Ижтимоий иш ходими, тарбиячи, психологнинг бола билан суҳбат ўтказишлари; тарбияланувчининг “Ҳаёт тарихи китоби” ва фотоальбомини томоша қилиш; ИППК хизматининг ота-она ёки қариндошлар билан суҳбат ўтказишлари; учрашувлар учун шароит яратиш (алоҳида хона ва бошқа); зарур вазиятларда учрашувларни кузатиш; боланинг хавфсизлигини таъминлаш; боланинг жазони ўтаётган ота-онасига хат ёзиши; бола ва оила иштирокида индивидуал ва гуруҳли тадбирлар.
4.	Учрашувларнинг таъсири ва оқибатини таҳлил қилиш	Ўзаро муносабатлар салбий ёки ижобий эканлигини аниқлаш; учрашувлардан сўнг боланинг кайфияти қандай ўзгарганлигини кузатиш; учрашувларнинг болага қандай таъсир этаётганлигини баҳолаш; учрашувларни давом эттириш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини таҳлил қилиш.
5.	Режалаштириш ва қарор қабул қилиш	Боланинг манфаатларини кўзлаб, уни оилага қайтариш масаласида яқуний қарор қабул қилиш; оиланинг қайта бирлашиши режа ва дастурларини ишлаб чиқиш; реинтеграция жараёнини амалга ошириш учун тарбияланувчи ва унинг оила аъзолари билан келишув тузиш.
6.	Тарбияланувчининг оилага реинтеграцияси дастурини амалга ошириш	Кенгайтирилган идоралараро кенгаш ва бола манфаатларини кўзлаб оила билан иш олиб бориш; оилага қайта бирлашишларида ижтимоий, педагогик, психологик қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш мақсадида мактаб, маҳалла, ҳомийлар ва бошқа жамоат ресурсларини жалб этиш; суд қарорини бекор қилиш мақсадида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мутахассислар, суд ижрочилари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, соғлиқни сақлаш ва шу кабиларга мурожаат этиш; ота-оналарга ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашиш.

7.	Болани қондош оиласига қайтариш	Боланинг ўз оилавий муҳитига қайта мослашиш жараёнида педагогик, психологик маслаҳатлар бериш; оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш; оилавий ташхис, оилавий маслаҳат, ота-оналарга психологик, педагогик билим бериш, ота-она ва бола ўзаро муносабатларини тузатиш.
8.	Оилани кузатиб бориш	Боланинг оиладаги ҳаётини кузатиб бориш, педагогик ва психологик маслаҳат бериш; оила ва боланинг қайта мослашишлари мониторингини ташкил этиш; мактабда боланинг таълим-тарбиясини кузатиш; бола оилага жойлаштирилгандан сўнг патронаж дастлабки 4 ҳафта мобайнида, ҳар 3 ойда бир маротаба, 6 ойда бир маротаба олиб борилади.
9.	Тарбияланувчи ни оилага реинтеграцияси жараёнини яқунлаш	Боланинг оиладаги шарт-шароити ва ривожланиш мониторинги натижаларини ижобий эканлигига амин бўлиш ва реинтеграция жараёни самарадорлигини баҳолаш; оилани ижтимоий, педагогик кузатувини яқунлаш.

Меҳрибонлик уйи педагог ва ходимларининг фаолиятларини ташкил этишдаги устувор талаб ва тамойиллар қуйидагилар: тарбия муассасаси шароитида оилавий таълим ва тарбия асослари эгалланиши учун оилавий муҳит яратиш, тарбияланувчининг ижтимоий ривожланишини таъминлаш, оиласига қайтиш бола учун хавфсиз бўлган шароитда тарбияланувчиларни ўз оиласига қайтариш бўйича ишларни амалга ошириш, муассасада болани ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи муҳитни яратиш, педагогик ходимларнинг инновацион фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, оиланинг ижобий образини шакллантириш бўйича тарбияланувчи билан мақсадга йўналтирилган, индивидуал ишларни ўтказиш ҳисобланади.

Ота-она ва бола муносабатларини тиклаш, шунингдек болани оилага қайтариш бўйича оила билан психологик, педагогик иш тизимини ташкил этиш жараёнини такомиллаштиришни тақозо этади.

**“Табақалашган ёндашув асосида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилага реинтеграциясига йўналтирилган ижтимоий-педагогик тизимнинг самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобда табақалашган ёндашув асосида тарбияланувчиларни оилага реинтеграциялаш бўйича ижтимоий-педагогик тизимнинг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг натижалари келтирилган.

Тадқиқотда ота-она (қариндошлар) ва боланинг оилага реинтеграциясига тайёрлигини баҳолаш юзасидан А.Я.Варга ва В.В.Столин томонидан ишлаб чиқилган “Ота-она – бола муносабатларини аниқлаш” сўровномасининг 27 та саволдан иборат модификацияси, боланинг ўз яқинлари, ота-онасига муносабатини аниқлаш учун Рене-Жиля методикаси қўлланилди.

Мазкур методикалар натижалари ота-она қарамоғисиз қолган болалар муассасасидаги шароитлар, шунингдек қондош оила билан узоқ вақт давом этган айрилик боланинг шахсий хислатларига ҳамда шахслараро муносабатларига, яқинларига эмоционал-ҳиссий боғлиқлигига ҳам салбий

таъсир кўрсатишидан гувоҳлик беради. Тажриба-синов натижалари реинтеграциядан кейин тарбияланувчиларда ҳам, уларнинг яқинларида ҳам кўплаб психологик характердаги қийинчиликлар юзага келиши мумкинлигини кўрсатади, бу ижтимоий, психологик жиҳатдан уларнинг ўзаро мослашишларига кўмаклашиш учун мутахассислар ёрдами зарурлигини тақозо этади.

Тарбияланувчиларнинг ота-оналарига (бошқа оила аъзоларига) нисбатан муносабатларини аниқлашга йўналтирилган педагогик, психологик ташхис ўтказиш натижаларига кўра болаларнинг уч гуруҳи аниқланди:

*Вазиятни тўғри англайдиган бола.* Бу гуруҳдаги болаларга яқин катталарга юқори даражада эмоционал-ҳиссий боғлиқлик, очиклик, мулоқот қилиш истагига эгалик, қондош оиласи аъзоларига нисбатан ишонч ҳисси сақланганлиги, ижтимоий мослашувчанлик даражасининг юқорилиги хос бўлади.

*Оиласига нисбатан паст даражада эмоционал-ҳиссий боғланган бола.* Бу гуруҳдаги бола ота-оналарини турмуш қурган жуфтлик сифатида қабул қилади, катталарга эмоционал-ҳиссий боғлиқлик, ижтимоий мослашувчанлик даражаси паст бўлади, оиласи билан мулоқотга киришиш учун кучли эҳтиёж мавжуд бўлади.

*Ота-онасини қабул қилмайдиган бола.* Бу гуруҳдаги бола кўпинча қариндошлари билан масофани сақлашга ҳаракат қилади, ота-онасини турмуш қурган жуфтлик сифатида қабул қилмайди, унда бефарқлик, мулоқотга интилишнинг мавжуд эмаслиги, ижтимоий мослашувчанлик даражасининг пастлиги, қондош оиласига қизиқишининг йўқлиги яққол намоён бўлади.

Тажриба-синов жараёнида қондош оиланинг болани оилага қабул қилиш ва бола билан ўзаро муносабатларини тиклаш учун имкониятларини (маънавий, руҳий, моддий) аниқлаш вазифаси қўйилди. Бунда оиланинг уч тоифаси ажратилди:

**1-тоифа:** болага нисбатан оналик ёки оталик ҳислари, унинг ҳаёти учун жавобгарлик, боғланганлик ва қариндошлик ришталари юқори бўлади. Бундай ота-оналар болани қандай бўлса, шундайлигича қабул қиладилар, унинг индивидуаллигини тан оладилар, ҳурмат қиладилар, боланинг қизиқишларини маъқуллайдилар. Уларда боланинг ҳаёти учун жавобгарлик ҳисси юқори ифоданган бўлади.

**2-тоифа:** ота-оналик ҳисси паст даражада ифодаланган ота-оналар ҳисобланади. Уларнинг болага муносабатлари кўпинча эътиборсиз, қариндошлик алоқалари мустаҳкам эмас, тартибсиз бўлади. Ота-оналар боладан сўзсиз итоаткорликни ва қатъий тартиб-интизомга амал қилишини талаб этадилар, уни ижтимоий муваффақиятларга эришишга йўналтирадилар.

**3-тоифа:** ота-онанинг маънавий даражаси паст, жиноий гуруҳларга қўшилган, оилавий шарт-шароитлари мураккаб ва кўпинча истикболсиз ҳисобланади. Иродаси бўш, ота-оналик ҳисси сақланмаган, бефарқ ота-оналар ўз фарзандларини рад этадилар.



Тадқиқот иши давомида аниқланган ҳар бир оила тоифалари учун табақалашган ёндашув асосидаги коррекцион машғулотлар дастурлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Унда қондош оиласига қайтарилган боланинг оила шароитига мослашишига ёрдам берадиган алоҳида шароитлар, омиллар эътиборга олинди. Коррекцион дастурнинг мақсади ота-она – бола ижобий муносабатларини тиклаш ва ривожлантириш, қондош оиласи билан бирлаштириш ҳисобланади. Коррекцион дастур қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- болани қондош оиласига қайтаришга психологик-педагогик тайёрлаш;
- ота-она – бола муносабатларини тиклаш;
- тарбияланувчиларда ота-оналарига ижобий муносабат, қондош оиласи ижобий образини шакллантириш;
- қондош оиланинг реабилитациясини амалга ошириш;
- ота-оналарнинг ижтимоий, педагогик саводхонликларини ошириш, ота-она ва болаларнинг ҳаётий муаммоларни мустақил енгиб ўтиш учун мослашиш қобилиятларини ривожлантириш.

Тарбияланувчилар ва уларнинг оилалари билан ўтказилган коррекцион-педагогик дастурнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида такрорий психодиагностика ўтказилди. Тажриба-синовда 68 нафар ота-оналар ҳамда 98 нафар тарбияланувчилар қатнашдилар. Педагогик тажриба-синов натижалари умумий статистик таҳлил қилинди.

**2-жадвал.**

**Табақалашган ёндашув асосида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оила шароитига реинтеграциясининг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси**

т/р	Мезонлар	Самарадорлик даражалари (фоизларда)					
		Назорат гуруҳи (%)			Тажриба гуруҳи (%)		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1.	Оиланинг бола тарбиясидаги масъулиятни ҳис этиши	38	40	22	54	42	4
2.	Оиланинг бола ривожланиши босқичлари ва унинг ёш, индивидуал хусусиятларини билиши	32	43	25	59	36	5
3.	Оиланинг самарали тарбия метод ва усулларида хабардорлиги	36	41	23	52	41	7
4.	Оиланинг ўз кучли томонларидан фойдалана олиши ва кучсиз томонларини коррекция қилиш	35	38	27	56	39	5
5.	Оиладаги психологик мослашганлик даражаси	31	42	27	55	42	3
6.	Оиланинг маҳалла ва Мехрибонлик уйи билан ҳамкорлиги	33	38	29	58	40	2

7.	Оилани институционаллашувнинг бола тарбиясига салбий таъсирдан хабардорлиги	39	40	21	63	34	3
8.	Боланинг эҳтиёжлари қондирилиши	38	43	19	59	38	3
9.	Оиланинг бола учун хавфсиз муҳитни таъминлай олиши	41	39	20	60	37	3
10.	Оиладаги ўзаро ота-она – бола муносабатларининг барқарорлиги	37	40	23	54	38	8
11.	Оиланинг ўзини-ўзи барқарорлаштиришдаги масъулияти	35	45	20	53	42	5
12.	Оила ўзини-ўзи назорат қила олиши	38	42	20	59	40	1
13.	Оилада моддий шарт-шароитларнинг мавжудлиги	34	42	24	56	42	2
14.	Оиланинг ижтимоий мослашганлиги	37	41	22	60	35	5
<b>Ж а м и:</b>		<b>504</b>	<b>574</b>	<b>322</b>	<b>798</b>	<b>546</b>	<b>56</b>
<b>Ў р т а ч а с и:</b>		<b>36</b>	<b>41</b>	<b>23</b>	<b>57</b>	<b>39</b>	<b>4</b>

3-жадвал.

**Тарбияланувчининг оилага реинтеграцияси муваффақиятлилигини баҳоловчи мезон ва даража кўрсаткичлари**

т/р	Мезонлар	Самарадорлик даражалари (фоизларда)					
		Назорат гуруҳи			Тажиба гуруҳи		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1.	Ўз яқинларига ишонч ҳисси	28	36	36	53	44	3
2.	Оиласига қайтиш истаги	28	28	44	56	41	3
3.	Боланинг қондош оиласида ўзини хавфсиз ҳис қилиши	33	33	34	63	31	6
4.	Ота-онасига ҳиссий боғланганлиги	36	31	33	56	38	6
5.	Қондош оиласига қайтишда ҳамкорликка тайёрлик	31	39	30	50	47	3
6.	Мулоқотга интилувчанлик, очиклик	28	39	33	47	53	0
7.	Қондош оиласи ҳақида ижобий тасаввурга эгалик	39	36	25	59	38	3
8.	Тарбияланувчининг қондош оиласидаги тарбиявий таъсирга мойиллиги	25	31	44	62	38	0
9.	Қизиқувчанлик ва ижтимоий мослашувчанлик	28	28	44	56	41	3
10.	Қондош оиласига қайта мослашганлиги	31	33	36	59	38	3
<b>Ж а м и:</b>		<b>307</b>	<b>334</b>	<b>359</b>	<b>561</b>	<b>409</b>	<b>30</b>
<b>Ў р т а ч а с и:</b>		<b>31</b>	<b>33</b>	<b>36</b>	<b>56</b>	<b>41</b>	<b>3</b>

4-жадвал.

